

USA

INTERNATIONAL SCIENTIFIC
ONLINE CONFERENCE



ISOC

INTERNATIONAL
SCIENTIFIC
ONLINE
CONFERENCES

INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM



25 OCTOBER
2022 YEAR

USA, WASHINGTON

Info.interconf@mail.ru

www.interonconf.net



**INNOVATION IN THE MODERN
EDUCATION SYSTEM**

Part 23

OCTOBER 2022

COLLECTIONS OF SCIENTIFIC WORKS

Washington, USA
25th OCTOBER 2022

INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM: a collection scientific works of the International scientific conference (25th OCTOBER, 2022) – Washington, USA: "CESS", 2022. Part 23 – 216p.

Editorial board:

Martha Merrill, PhD Kent State University, USA

David Pearce, ScD Washington, D.C., USA

Emma Sabzalieva, PhD Toronto, Canada

Nikadambayeva Hilola Batirovna, Candidate of Pedagogical Sciences,
docent

Pirimov Akram Pirimovich, docent

Shodiyev Furqat Davranovich, Candidate of Technical Sciences, docent

Languages of publication: русский, english, казахша, o'zbek, limba română,
кыргыз тили, Azərbaycanlı

The collection consists of scientific research of scientists, graduate students and students who took part in the International Scientific online conference "**INNOVATION IN THE MODERN EDUCATION SYSTEM**". Which took place in Washington on OCTOBER 25, 2022.

Conference proceedings are recommended for scientists and teachers in higher education establishments. They can be used in education, including the process of post - graduate teaching, preparation for obtain bachelors' and masters' degrees. The review of all articles was accomplished by experts, materials are according to authors copyright. The authors are responsible for content, researches results and errors.

© "CESS", 2022
© Authors, 2022

<p>Ochilova Sojida Rayimberdi kizi Ochilov Muzaffar Rayimberdiyevich Murodov Elchin O'ktamovich BLUETOOTH DATA TRANSFER BETWEEN ANDROID AND ARDUINO PLATFORM</p>	<p>141</p>
<p>Н. Пулатова ИННОВАЦИОН ФАОЛИЯТ – ТАЪЛИМ СИФАТИНИНГ САМАРАДОРЛИГИДИР.</p>	<p>145</p>
<p>Курбанов Джурабек Исматович БОЛАЛАР ТАРБИЯСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ</p>	<p>148</p>
<p>Saliyeva Saidaxon Axmadqul qizi O'QUVCHILARNI INDIVIDUAL VA INTELEKTUAL RIVOJLANISHDA PEDAGOGIK TA'LIM TATBIYANING AHAMIYATI.</p>	<p>154</p>
<p>Mamadaliyeva Dildora THE PROBLEM OF MYTHOLOGIZATION IN ENGLISH LITERATURE OF THE 20TH CENTURY</p>	<p>156</p>
<p>Akhatova Nasiba Salimovna Миралимов Миррахим КИЧИК САНОАТ ЗОНАЛАРИ БИНО ИНШООАТЛАРИГА ШОВҚИННИНГ ТАСИРИНИ ХИСОБЛАШ</p>	<p>159</p>
<p>С.Қурбонова ПСИХОЛОГИЯНИ ЎҚИТИШГА ЗАМОНАВИЙ ПЕДАГОГИК ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ТАТБИҚ ЭТИШ</p>	<p>165</p>
<p>N.B.Shamsiddinov Tolibayeva Qundizxon Quralbay qizi Xamidullayeva Shaxnoza Baxtiyor qizi GEOMETRIYA O'QITISHDA MASALANING MATEMATIK MADELINI TUZISH VA YECHISH USULLARI</p>	<p>169</p>
<p>Achilov Sanjar Shodiev Alisher Khudoynazarovich EXPERIENCE IN THE DEVELOPMENT OF SINGAPORE TOURISM IN UZBEKISTAN</p>	<p>176</p>
<p>Gafurov Ruzijon Radjabova Mohichehra Abdukholikovna. WAYS TO ATTRACT FOREIGN INVESTMENT IN THE REGIONAL ECONOMY</p>	<p>180</p>
<p>Hamroyev Sardor Akmaljon o'g'li Shermatov Akram Abduxakimovich INGLIZ VA O'ZBEK GAZETA MATINLARIDA DEYKTIK BIRLIKLAR VA ULARNING MOHIYATI.</p>	<p>185</p>
<p>To'xtayeva Aziza THE FUNCTION OF A MODERN TEACHER IN USING TECHNOLOGY AT LESSON</p>	<p>189</p>
<p>Baxtiyorjonov Omadjon Iqboljon o'g'li</p>	<p>192</p>

БОЛАЛАР ТАРБИЯСИНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Курбанов Джурабек Исматович

Бухарский государственный университет, Бухара, Узбекистан
 djurabek.kurbanov.87@mail.ru

Аннотация. Мақолада бугунги кундадолзарб муаммолардан ҳисобланган ёшлар тарбиясининг ўзига хос хусусиятлари илмий жиҳатдан таҳлил қилинди. Ҳамма даврларда ҳам тарбиячилар ёшларни ахлоқи ва одоби, иймони ва виждони, билими ҳамда малакасини давр талаблари ва эҳтиёжлари билан уйғунлаштириб шакллантиришга ҳаракат қилганлар. Шунга кўра, ҳар қандай тарбия жараёни охири-оқибат, ўз мақсад ва моҳиятига кўра ғоявий тарбия эканлиги ҳаётнинг ўзи исботламоқда.

Калит сўзлар: тарбия, миллий, таълим, оила, ёшлар, ватанпарварлик.

Аннотация. В статье рассмотрено научный анализ специфики воспитания молодежи, что является одной из самых актуальных проблем современности. Педагоги во все времена пытались формировать мораль и этику, веру и совесть, знания и навыки молодых людей в соответствии с требованиями и потребностями времени. Соответственно, сама жизнь доказывает, что любой процесс воспитания есть, в конце концов, идеологическое воспитание по своей цели и сути.

Ключевые слова: воспитание, национальность, образование, семья, молодежь, патриотизм.

Abstract. The article deals with the scientific analysis of the specifics of the upbringing of young people, which is one of the most pressing problems of our time. Teachers at all times have tried to form morality and ethics, faith and conscience, knowledge and skills of young people in accordance with the requirements and needs of the time. Accordingly, life itself proves that any process of upbringing is, after all, ideological upbringing in its purpose and essence.

Keywords: upbringing, nationality, education, family, youth, patriotism.

Янгиланаётган Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча соҳалардаги кенг кўламли ислоҳотлар, энг аввало, аҳолининг нафақат моддий, балки ижтимоий-маънавий эҳтиёжларини қондириш, шунинг баробарида, уларда том маънода юксак маънавиятли инсонларни

тарбиялаш мақсади билан уйғунлашган. Давлат ижтимоий сиёсатининг жадал ривожланишида маънавий-ахлоқий институтлар роли ва аҳамияти муҳим ўрин тутишини «жамиятни янгилаш ва инсон манфаатларини рўёбга чиқариш борасида олиб борилётган ислохотлар натижадорлигини таъминлашда муҳим омиллардан бири бўлган миллий ғоя ва мафкуравий-тарбиявий ишларнинг самарадорлигини янада ошириш» [2] га қўйилаётган талаблар исботлаб турибди. Шу боис, миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари концессиясини ҳаётимизга тўлақонли жорий этилаётган мамлакатимиз тараққиётининг янги босқичида жамиятда маърифатли ёшларни тарбиялаш зарурлигини намоён этмоқда.

Муҳтарам Президентимиз Ш.Мирзиёев 2020 йил 24 январда Олий Мажлисга қилган Мурожаатномасида: “Нафақат ёшлар, балки бутун жамиятимиз аъзоларининг билими, савиясини ошириш учун аввало илм-маърифат, юксак маънавият керак. Илм йўқ жойда қолюқлик, жаҳолат ва албатта, тўғри йўлдан адашиш бўлади. Шарқ донишмандлари айтганидек, «Энг катта бойлик – бу ақл-заковат ва илм, энг катта мерос – бу яхши тарбия, энг катта қашшоқлик – бу билимсизликдир!» – дея таъкидлайди [3].

Соғлом ғоявий тарбия эса – юксак дунёқараш ва эътиқод тарбиясини ҳам англатади. Шу ўринда тарбия ҳамда таълим берувчининг шахсий сифати ҳамда ўз ишига фидойилиги бу масалада ғоят муҳим эканлигини унитмаслик керак. Бу хусусда Ғаззолий шундай ёзади. «Шайхнинг (тарбиячининг) муриддини тарбиялаш калити - ердан унган неъматнинг яхши ҳосил бермоғи учун деҳқон унинг атрофини бегона ўтлар, тиканлардан тозалагани каби бир ҳол» [6, 18-б.].

Ёшлар-бизнинг келажагимиз, эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучи, ҳисобланади. Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар замирида жисмоний соғлом, маънан етук, замонавий билимлар ва касб-ҳунарларни эгаллаган, мустақил ҳамда ижодий фикрлашга қодир, интеллектуал салоҳияти юксак ёш авлодга ғамхўрлик қилишдек эзгу мақсад мужассам. Зеро, жамиятимизни демократлаштириш, фуқаролик жамиятини қарор топтириш мақсадлари замирида, инсон ва унинг манфаатлари, юртимиз тараққиётининг таянчи ва суюнчи бўлган ёшлар масаласи устивор масалалар қаторида туради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти Ш.М.Мирзиёев шундай дейди,- “Фарзанларимиз учун замонавий иш жойлари яратиш, уларнинг ҳаётда муносиб ўрин эгаллашини таъминлашга қаратилган ишларимизни янги босқичга кўтаришни даврнинг ўзи тақазо этмоқда.

Биз ёшларга доир давлат сиёсатини ҳеч оғишмасдан, қатъият билан давом эттирамиз. Нафақат давом эттирамиз, балки бу сиёсатни энг устувор вазифамиз сифатида бугун замон талаб қилаётган юксак даражага кўтарамиз.

Ёшларимизнинг мустақил фикрлайдиган юксак интеллектуал ва маънавий салоҳиятга эга бўлиб, дунё миқёсида ўз тенгдошларига ҳеч қайси соҳада бўш келмайдиган инсонлар бўлиб камол топиши, бахтли бўлиши учун давлатимиз ва жамиятимизнинг бор куч ва имкониятларини сафарбар этамиз” [4].

Бугунги замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ривожланган асрда кимлардир бу технологияларни бунёдкорлик, илм-фан, тараққиёт йўлида фойдаланаётганлар бўлсалар, қайси бир ёшлар ижтимоий тармоқлар орқали қатор онги ўзига хос шаклланган, ўзининг мустақил фикрига, нуқтаи назарига эга бўлмаган ёшларни тўрға тушириш ва ўзининг салбий ниятларини, мақсадларини амалга ошириш йўлида фойдаланмоқдалар. Хусусан, биргина одноклассники сайтига кунига мамлакатимиздан икки миллионга яқин киши кирмоқда. Уларнинг аксарияти қисми эса ёшлар ҳисобланади. Бундай ўхшаш тармоқларнинг асосий мақсади эса ўқувчи ёшларимиз онгини, қалбини эгаллаш, маълум бир мамлакат ёки минтақадаги миллат ёки халқнинг онгига, унинг сезги-туйғуларига таъсир ўтказиш, уни ўз дунёқарашига бўйсундириш, маънавий жиҳатдан заиф ва тобе қилиш десак муболаға бўлмайди. Натижада, ёшлар ўртасида китоб ўқишдан кўра компьютер ўйинларининг олдида вақтини ўтказиш, мазмунан саёз бўлган турли хил жанрдаги фильмларни томоша қилиш одат тусига кириб бормоқда.

Оиладаги мавжуд муносабатлар таъсирида илк болаликдан ўз бурчига содиқлик, ватанпарварлик, қатъийлик, инсон қадр-қимматини англаш каби юксак инсоний хислатлар шакллана борди. Турмушдаги самимийлик, оқилона муносабатлар, илиқ психологик муҳит таъсири натижасида оила аъзолари камтарлик, самимийлик, илтифотлилик, яхшилик, эзгулик, сабрлик, тўғрилиқ, юмшоқлик, дилкашлиқ, меҳрибонлик, талабчанлик, виждонлилик, маъсулиятлилик, озодалиқ, иззат-нафсли хислатлар ахлоқий тарбия асосида таркиб топади. Агар оиладаги турмуш муносабатлари қўполлик, андишасизлик негизда қурилган бўлса, у ҳолда оила аъзолари руҳий дунёсида писмиқлик, ўжарлик қайсарлик, каби иллатлар шаклланади. Бу оилада ахлоқий ҳамда ҳуқуқий тарбияни тўғри йўлга қўйилмаганидан далолат беради.

Мамлакатимизни тараққий топтириш, юксалтиришда ёшларнинг тарбияси ва салоҳияти ўта муҳим обектив қонуниятдир. Энди фақат ва фақат шу юртни, шу элни севувчи, мамлакат ривожига хизмат қилувчи, унинг моддий ва маънавий қадриятларига ҳурмат кўзи билан қарайдиган ва маълум маънода уни тарғиб қилувчи фидойи ватандошларимизни тарбия қилиш мамлакатнинг ҳар бир фуқаросининг айниқса, педагогика соҳасида фаолият кўрсатувчи фуқароларимизнинг энг асосий мақсадига айланиши ўта муҳим масаладир.

Мамлакатимиз ёшларининг дунёқараши ҳам маънавий-мафкуравий таъсир объектига айланиб бормоқда. “Ёш авлод тарбияси,- деб таъкидлаган эди давлат раҳбари, –ҳамма замонларда ҳам муҳим ва долзарб аҳамиятга эга бўлиб келган. Аммо биз яшаётган XXI асрда бу масала ҳақиқатан ҳам ҳаёт-мамот масаласига айланиб бормоқда” [5, 504-505-б.]. Чунки “ҳозирги кунда дунё миқёсида бешафқат рақобат, қарама-қаршилиқ ва зиддиятлар тобора кескин тус олмоқда” [5, 505-б.]. Шу боисдан йигит ва қизлар дунёқарашини маънавий-руҳий манипуляциядан ҳимоя қилиш масаласи умумжамият аҳамиятига молик вазифа сифатида талқин қилинмоқда, бу борадаги ишлар маънавий-маърифий фаолиятнинг алоҳида йўналишига айлантирилган. Бироқ шиддат билан ўзгариб бораётган воқелик ёшлар онги ва дунёқарашини ҳимоялашнинг янги ва янада самарали йўлларини излаб топишни тақозо қилмоқда. Шунинг учун ҳам “Ақл-заковатли, юксак маънавиятли кишиларни тарбиялай олсагина, олдимизга қўйган мақсадларга эриша оламиз, юртимизда фаровонлик ва тараққиёт қарор топади” [5, 81-б.], деб ҳисоблайдилар.

Биз ёшларимизда соғлом маънавий эҳтиёжни шакллантиришимиз учун уларга миллий-маданий тарихимиз ҳақида етарлича билим, тасаввурлар беришимиз лозим. Буюк алломаларимиз қайд этганлари каби инсонни, пировард натижада жамиятни маърифат булоғидан суғоришнинг йўли шахсни маънавият, маърифатга ошно қилишдадир. Инсонни ва жамиятни турли бало-қазолардан асрашнинг ягона йўли эса қалбни даволаш, уни соғломлаштиришдир. Албатта, бунинг учун ёшлар қалбида юксак маънавиятни шакллантириш лозим бўлади. Чунки, инсонлардаги маънавий бойликни, ахлоқий покликни ривожлантиришга хизмат қилиш – гўзалликнинг олий вазифаси ҳисобланади [8, 102-б.]. “Маълум бир ахлоқий сифатларга эга бўлмай туриб, чунончи, муносиб инсон бўлмай туриб, - деган эди буюк

мутафаккирларимиздан бири Аристотель, –ижтимоий ҳаётда ҳаракат қилиб бўлмайти» [8, 208-б.].

Кайковуснинг "Қобуснома" асари, Юсуф Хос Хожибнинг "Қутадғу билиг", Аҳмад Югнакийнинг "Ҳибат ул-ҳақойиқ", Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон», А.Жомийнинг «Баҳористон», А.Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб», Абдулла Авлонийнинг "Туркий гулистон ёхуд ахлоқ" асарлари ахлоқий дидактик ва фалсафий ҳарактерга эга бўлиб, барчасида инсоний фазилатлар тараннум этилган. Педагогик фикрлар тараққиётининг асосчиси А.Авлоний ахлоқни шундай таърифлайди: «Инсонларни яхшиликка чақиргувчи, ёмонликдан қайтаргувчи бир илмдур. Яхши хулқларнинг яхшилигини, ёмон хулқларнинг ёмонлигини далил ва мисоллар ила баён қиладурган китобни ахлоқ дейилур» [6, 11-б.]. Бу ўринда Абдулла Авлоний ота-оналарга болаларнинг тарбияси билан бирга уларнинг саломатлигига ҳам катта эътибор бериш кераклигини ўқтиради.

Маънавий баркамол инсон ақл билан фазилат бирлигига амал қиладиган кишидир. Фазилат инсоннинг қўлга киритган энг яхши сифатларидир. Кишиларда юксак инсоний сифатларнинг қарор топиши учун, мутафаккирларимиз айтганидек, қалб билан ақл уйғунлиги лозим бўлади. Чунки, қалб билан ақл уйғунлашган жойда ривожланиш, яхшилиқ, эзгулик, гўзалликка интилиш бор. Ўз келажаги ҳақида қайғурган мамлакат ўсиб келаётган авлод ҳақида алоҳида ғамхўрлик қилади. Ёшлар масаласи ҳар бир даврда ва ҳамиша долзарб бўлган. Чунки, келажак эгалари ёшлар саналади. Уларга эътибор, ғамхўрлик азал-азалдан ҳалқимизга хос одат. Конституциямизнинг 24, 25, 27, 29, 31 моддаларида, "Яшаш ҳуқуқи ҳар бир инсоннинг узвий ҳуқуқидир". Ҳар ким эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқига эга. "Ҳар ким ўз шаъни ва обрўсига қилинган тажавузлардан, шахсий ҳаётига аралашишдан ҳимояланиш ва турар жой дахлсизлиги ҳуқуқига эга", "Ҳамма учун виждон эркинлиги кафолатланади" дейилганлиги ёшларнинг шахсий ҳуқуқ ва эркинликлари кафолатланганлигининг исботидир [1, 13-б.].

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Тошкент, "Ўзбекистон" 2018. 11-13 бетлар
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 апрелдаги "Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни

ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги №Ф-5465-сонли Фармойиши. // www.norma.uz.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси.25.01.2020 // www.uza.uz.

4. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон демократик Ўзбекистон давлатини мард ва олижаноб халқимиз билан бирга қурамыз. Халқ сўзи. 2016 й. 15 декабрь.

5. Мирзиёев Ш.М. Жисмоний ва баркамол ёшлар – бугунги ва эртанги кунимизнинг ҳал қилувчи кучидир // Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. Ж 1. - Т.: Ўзбекистон, 2017. - Б.504-505.

6. Абдулла Авлоний. Туркий гулистон ёхуд ахлоқ. – Тошкент.: “Ўқитувчи”, 1992, 11-бет.

7. Абу Хамид Муҳаммад ал-Ғаззолий. Охиратнома. Бухоро, 1992. – Б. 18.

8. 111 ватандош алломаларимизнинг ҳикматли фикрлари. – Тошкент.: “Янги аср авлоди”, 2012, 208-бет.

9. Курбанов Д. И., Абдуллаев Ш. Д. Методологические подходы к изучению правил физической активности женского спорта //Научный журнал. – 2019. – №. 6 (40). – С. 88-89.

10. Абдуллаев Ш. Д., Курбанов Д. И., Курбанов Ф. К. Использование современных методов в процессе обучения студентов легкой атлетике //Проблемы науки. – 2021. – №. 2 (61). – С. 32-34.

11. Хамраев И. Т., Курбанов Д. И., Тураев М. М. Принципы современной педагогической подготовки //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 2.